ЭРТАГА – БУТУНИТТИФОҚ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ

Эртага темир йўл магистралларининг ишчи-хизматчилари бутун совет халқи билан бир қаторда ўзларининг анъанавий байрамлари — Бутуниттифоқ темир йўлчилар кунини тантанали вазиятда нишонлайдилар.

Темир йўл ҳозирги пайтда транспортнинг етакчи ва ҳал қилувчи тармоқларидан бирига айланган. Уларнинг зиммасига мамлакатимиз юк оборотининг бешдан тўрт қисми ва 70 процент пассажирларни ташишга тўғри келади.

Мамлакатимиз пўлат из магистралларининг узунлиги бўйича жаҳонда иккинчи ўринни эгаллайди. Ватанимиз электрлашган йўллар узунлиги бўйича эса дунёда биринчи ўриндадир. Агар темир йўл трассаларини бир қаторга тизиб чиққудек бўлинса, ер юзи экватори бўйича уч марта айланиб чиқишга тўғри келади.

Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси Тошкент бўлимининг механизаторлари Ватанимиздаги бошқа темир йўлчилар билан бир қаторда ўзларининг анъанавий байрамларини тантанали вазиятда нишонламоқдалар.

Бўлим темир йўлчилари орасида В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига социалистик мусобақа қун сайин қизитилляпти. Улар халқ хўжалиги юклари ва пассажирлар ташиш бўйича ўз зиммаларига олган шарафли вазифаларини адо этиш ва беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
2 АВГУСТ 1969 й.
ШАНБА
№ 179 (943)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Бугун

темир йўлчилар маданият саройи ва истироҳат боғи байрам либосига бурканган. Пўлат из ҳизматчилари тантанали вазиятда ўзларининг байрамларини нишонламоқдалар. Бу ерга қўйилган шиорлар, стендлар, транспарантлар Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси, шунингдек, Тошкент темир йўли бўлими коллективларининг меҳнатда эришаётган улкан ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади. Хиёбонларга эса Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илғорлари, ветеран ишчиларнинг портретлари қўйилган.

Кеча темир йўлчилар маданият саройида тантанали мажлис бўлиб ўтди. Бу мажлис Бутуниттифоқ темир йўлчилар кунига бағишланди.

Кеча вагон-клуб йўлга чиқди. Ана шу вагон-клубдаги лекторлар байрамга бағишлаб лекция ва суҳбатлар ўтказадилар.

Эртага шаҳримиздаги маданият ва истироҳат боғларида оммавий сайллар бўлади. Горький номли боғда, шунингдек, Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғидаги болалар темир йўлида болаларнинг орталиклари ўтказилади.



СУРАТДА: Тошкент тепловоз депосининг илғор машинистларидан: (чапдан ўнгга) Анатолий Баранов, Тошпўлат Каримов ва Абдуғаффор Набиҳўжаевлар.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Пўлат от суворийлари

Бугун совет кишилари катта санага зўр тайёргарлик кўрмоқдалар. Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш ҳар бир совет кишиси учун ғоят фахрлидир. Ана шу сабабли саноат корхоналари ва қурилишларида, колхоз далаларида ва бошқа турли муассасаларда бу улуғ кун шарафига социалистик мусобақа тобора қизитилмоқда.

Ана шундай қутлуғ ишдан темир йўлчилар ҳам четда қолишаётгани йўқ, албатта. КПСС XXIII съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиб, беш йиллик тўртинчи йили топшириқларини шараф билан бажариш ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб меҳнат совғалари тайёрлашни пўлат от суворийлари ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйганлар. Улар меҳнатда янги-янги зафарлар қучиб, ўзларининг анъанавий байрамлари — Бутуниттифоқ темир йўлчилар кунини ишлаб чиқаришда муҳим кўрсаткичларни қўлга киритган ҳолда кутиб олмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати темир йўл транспортининг халқ хўжалигидаги ролига катта аҳамият бериб, бу соҳани янада ривожлантириш ҳақида отеларча ғамхўрлик қилмоқда. Ана шу ғамхўрликни чуқур ҳис этган темир йўлчилар темир йўл транспортини техник жиҳатдан янада ривожлантириш, юкларни ва йўловчиларни ташишда уларнинг эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга ҳаракат қилмоқдалар. Йил сайин темир йўл тармоқлари кенгайиб боряпти. Буғ билан ишлайдиган паровозлар ўрнини тепловозлар, электровозлар эгаллаяпти. Поездларнинг тезлик ҳаракатлари ҳам тобора ошиб боряпти. Мамлакатимиз саноати эса 2ТЭ10 сериясидаги магистрал тепловозларини оммавий тарзда ишлаб чиқариш йўлга қўйди. Ҳозирги вақтда темир йўлчилар биринчи навбатда бой берилган имкониятлар ўрнини тўлдириш мақсадида қатор ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқдилар. Ана шу таклифларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши туфайли шу йилнинг 6 ойи ичида 8158 оғир юкли поездлар кўзатиб қўйилди. Планда кўрсатилгандан 4770 минг тонна кўп халқ хўжалик юклари белгиланган манзилга етиб борилди. 1969 йилнинг иккинчи кварталида эса биринчи кварталига қараганда 1150 минг тонна кўп халқ хўжалик юклари ортилди.

Тошкент бўлинмасига янги-янги кучли тепловозлар келтирилляпти.

Тепловоз вагонларнинг ремонт базалари эса тобора ривожланиб, такомиллашиб боряпти. Бу тадбирларнинг ҳаммаси халқ хўжалиги юклари ва пассажирларни белгиланган манзилга ўз вақтида етказиб бориш имконини беряпти.

Дарҳақиқат, пассажирлар ташишга кўп аҳамият бериляпти. Пассажир парки эса юмшоқ ўриндиқли вагонлар билан таъминланяпти. Аҳолига яхши, намунали хизмат кўрсатиш, билетларни уларнинг уйларига элтиб бериш каби формалардан фойдаланяпти. Пассажирларга янада яхшироқ йўл хизмати кўрсатиш мақсадида Тошкент станциясининг иккинчи навбат объектлари комплекси қурилиши тез суръатлар билан олиб борилляпти.

Тошкент тепловоз депосининг машинистлари мамлакатимиздаги илғор ишлаб чиқариш новаторларининг қимматли ташаббусига қўшилиб, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейига қадар темир йўл бўлинмаси диспетчерлари билан ҳамкорликда 650 тонна дизел ёқилғисини иқтисод қилиш ва 1970 йилнинг 22-23 апрель кунлари иқтисод қилган ёқилғи ҳисобига тепловозни бошқаришга аҳду паймон қилганлар.

Ўзларининг анъанавий байрамларини нишонлаётган пўлат от суворийлари шу кунларда беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш йўлида социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар. Ҳеч шубҳа йўққи, Тошкент темир йўлчилари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб туҳфалар билан бориб, ўз олдиларига қўйилган катта ва фахрли вазифани адо этишда бутун имкониятларини ишга соладилар ва мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базаси яратилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

А. БУГАТОВ,
шаҳар партия комитетининг инструктори.

ВОҚЕАЛАР, ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Оғир юк ташувчи машинистлар мусобақаси кенгайиб бормоқда. Мўлжалдагидан ортиқ юк ортилган состав участкага техникавий тезлик нормасида белгиланган вақтда етиб борса машинистнинг шахсий ҳисобига ёзиб қўйилади. Лекин бу осон иш эмас, 2600 тонна юкка қўшимча яна 500 тонна халқ хўжалик маҳсулотларини манзилга етказиш лозим. Ана шундай оғир составни тезлик билан бошқариш учун катта маҳорат керак.

Тошкент бўлинмасида шу йилнинг биринчи ярмида 8158 оғир юкли состав бошқарилди ва уларда нормага қўшимча равишда 4 миллион 770 минг тонна юк ташилди.

* * *

Ўтган йили бўлинма машинистлари ёнилғи тежаш давлат фондига 2 миллион 400 минг килограмм ҳисса қўшдилар. Иккинчи кварталда эса 900 минг кило г р а м м ёнилғи тежаб қолинди. Ёнилғини тежаб қолиш учун кураш бошлаган ташаббускор Тошкент тепловоз депосининг тажрибали машинисти А. Мараҳаевдир.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН

Бутуниттифоқ темир йўлчиларининг байрами арафасида Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига Москвадан телеграмма келди. Бу телеграммада СССР темир йўл министрлиги ва темир йўл транспорти ходимлари касаба союзлари Совети Марказий Комитети Президиумининг Кўчма Қизил байроги ва биринчи даражали пул мукофоти иккинчи кварталда юксак курсаткичларни қўлга киритган ва социалистик мусобақада ғолиб чиққан Тошкент йўл дистанцияси ходимларига берилганлиги хабар қилинади. Коллектив аъзолари шунингдек, СССР темир йўл министрлигининг ва касаба союзлари Марказий Комитетининг фахрий ёрлиқлари билан ҳам мукофотландилар.

ДАСТУРХОНИМИЗ ЗИЙНАТКОРЛАРИ

Булка-кондитер комбинати ишчилари тайёрлаган маҳсулотлар ҳақиқатдан ҳам «дастурхонимиз зийнатлари»дир. Дарҳақиқат, новвойлар, ширинлик яратувчилар ўзлари ишлаб чиқараётган бўрсилдоқ нонлари, турли-туман коидитер маҳсулотлари билан шаҳримиз аҳолиси ўртасида шуҳрат қозонишяпти.

Бугун

комбинат 60 тонна бўлка, 30 тонна кондитер маҳсулотларининг 60 ҳилини ишлаб чиқарди ва савдо ташкилотларига жўнатди: Корхонада техникани такомиллаштириш, қўл меҳнати сарф қилинадиган участкаларни механизациялаш, автоматлаштириш ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини кўтаришга имкон беряпти.

Комбинат коллективи, етти ойлик планга қўшимча 55 минг сўм реализация қилди. Бу эса 114 тонна бўрсилдоқ нонлар, ширин-шакар тортларни тортиқ қилиш демакдир.

Ҳозир новвойлар ва қандолатчилар доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг шонли юз йиллик тўйига муносиб совғалар тайёрлаш учун ғайрат қилишяпти. Улар юбилейга бағишлаб беш йиллик планга қўшимча 150 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғлашган.

ТОШКЕНТНИ СЕВИБ ҚОЛДИМ

◆ Пойтахтимиз меҳмонлари

— Хива менга қадимги Руснинг Суздаль шаҳрини эслатади,— дейди шаҳримизга меҳмон бўлиб келган С. С. Винокуров. У Свердловскдаги «Уралмаш» заводи қошида ташкил этилган биринчи ишчи-ёшлар мактабида ишлайди. С. С. Винокуров ҳар йили ўзи таътилни она-Ватанининг гўзал ва кўркам жойлари бўйлаб, сайёҳатга чиқиш билан ўтказади.

— Ўрта Осиёга биринчи марта келишим. Самолёт билан Душанбега келиб тушдим. У ерда мутафаккир шоир А. Рудакий расмини чиздим. Сўнгра эса қадимий ва навқирон шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Хиванинг энг диққатга сазовор жойларини рассом блокнотимга чизиб олдим.

Айниқса, менга қуёшли республиканинг пойтахти — Тошкент шаҳри ёқиб қолди,— дейди ураллик рассом С. С. Винокуров.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ Россия Федерациясида ўтказилаётган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси Волга соҳилидаги шаҳарлар бўйлаб тантанали юришини тамомлаб, ўзининг бутун чиройини Москвада намоён қилди. 31 июлда Кремлдаги Съездлар саройида — республика санъат усталарининг якунловчи концерти бўлди. Концертдан кейин РСФСР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети декада қатнашчилари шарафига қабул маросими ўтказдилар.

✦ **РСФСР Олий Совети Президиумининг раиси М. А. Яснов РСФСР да ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида актив қатнашганликлари ва қардош социалистик маданиятларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашда катта ҳисса қўшганликлари учун Ўзбекистоннинг бир қанча ижодий коллективлари ва ташкилотларига тантанали вазиятда мукофотларни топширди.**

✦ Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги марказий статистика бошқармасининг хабар беришича республика саноат ходимлари беш йиллик тўртинчи йил планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг кўп турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1969 йил етти ойлик планини бажардилар.

Ўзбекистон трактори

◆ *Беш йилликни муддатидан олдин бажарайлик*

Ўзбекистонда республика учун янги соҳа тракторсозлик саноатини вужудга келтирилмоқда. Келгуси йили «Ташавтомаш» заводининг бош конвейеридан дастлабки «Т-28Х4» тракторлари тушади. 1971 йилда мамлакатимизнинг пахта етиштирувчи республикалари Тошкент заводининг маркаси туширилган неча ўн минглаб машиналар оладилар.

* * *

Бу завод ҳозиргача аввалгидек «Ташавтомаш» деб аталиб ҳамон трактор прицеплари, автомобилларнинг запас қисмларн, 7 тоннали агдарма ярим прицеплар ишлаб чиқармоқда. Лекин корхона коллективи бу ерда биринчи Ўзбекистон тракторини яратилаётганлигид а н жуда хурсанддир.

50 от кучи қувватига эга бўлган «Т-28Х4» трактори нинг бунёд этилиши,— деди завод директори И. К. Припусков, — пахтачиликнинг муҳим эҳтиёжларидан келиб чиқди. Деҳқонларга икки қаторли пахта териш машинаси ўрнига тўрт қаторли машиналар берилмоқда, қаторлар ораси 90 сантиметрдан оликадиган майдонлар тобора кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам пахтачилик хўжаликларга анча кучли тракторлар талаб қилинаётганлиги табиий бир ҳолдир.

— Янги трактор,— дейди завод махсус конструкторлик бюроси бошлиғининг ўринбосари Р. Б. Яровинский,— фақат қуввати оширилганлиги билангина фарқ қилиб қолмайди. Тошкент конструкторлари ва илгари шу машина чиқариб келинган Владимир заводи конструкторлари унинг конструкциясига муҳим ўзгартишлар киритдилар. Бу ўзгаришлар даставвал тракторчининг ишлаш шароитини анча яхшилайди. Трактор нинг одатдаги соябони ўрнига маҳкам кабина қўйилганки, унинг ичига чанг ва шовқин қамроқ киради. Кабинада бошқариш органлари анча қулай жойлаштирилган кондицияланган ҳаво бўлади. Янги тракторнинг айрим узел ва деталлари кучайтирилган, унинг тортиш кучи ва юк кўтара олиши ортган.

Сўнгги йилларда пахтани фақат кундузгина эмас, тунда ҳам чироқ ёруғида теришга механик-ҳайдовчилар тобора кўпайиб бормоқда. Конструкторлар шуни ҳам назарда тутдилар. Трактор га янги электр ускунаси монтаж қилинади, фаралар сони оширилди.

Янги трактор В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигигача завод конвейеридан туша бошлаши лозим.

Заводда ўтган йилнинг ўртасларида пайдо бўлган янги участка — фахр билан гапирилга олинади. Бу участка биринчи Ўзбекистон тракторига олд кўприк билан руль бошқармаси ишлаб чиқаради. Йил охиригача уч мингдан ортиқ узел комплекти ясалди.

Ўзбекистоннинг биринчи трактори бунёд этилмоқда. Республика конструкторлари эса, сугориладиган деҳқончилик учун бир қанча машиналар яратиш устида бош котирмоқдалар. Бундай машиналарнинг конструкцияларида мамлакатимиз жанубий районларининг агротехника ва тупроқ иқлими ҳусусиятлари назарда тутилади.

Янги маҳсулот ўзлаштирилиши билан заводда ишлаб чиқариш ҳажми 3 баравар, ишчилар сони эса икки баравар кўпаяди.

Механика-йиғув, темирчилик-пресслаш, бўяш цехларининг корпуслари қурилмоқда. Шу билан бирга ишчиларни кўпайтириш, кишиларга таълим беришни уюштириш лозим.

Озмунча иш қилинмади. Ўтган йили 300 янги ишчи тайёрланди, қарийб 500 киши ўз малакасини оширди. Салкам 250 ишчи кечки техникумда, 200 дан ортиқ ишчи-кечки мактабда ва 90 ишчи олий ўқув юртларида ўқимоқда.

Корхонада уй-жой қурилиши кенг кўламда олиб борилмоқда. Икки йил мобайнида 20 минг квадрат метр уй-жой саҳни қурилиши мўлжалланади. Болалар боғчаси ва ясляси, мактаб ва магазин, маиший муассасалар қурилади.

Н. ГЛАДКОВ.
И. МУҚИМОВ.
(«Правда» мухбирлари).

Тошкент шаҳри.
(«ПРАВДА», 31 июль).

ЕНИСЕЙ БЎЙЛАБ

Бугун

республиканинг турли областларидан келган 24 турист Енисей бўйлаб, қўнғилли саёҳат учун пойтахтдан жўнаб кетди.

Улар Красноярск — Турухон — Норильск — Дудинка шаҳарларида бўлишади, тарихий ва ёдгорлик жойларни кўришади.

БИРИНЧИ ДОВОН

Кеча

шаҳардаги 16 олий ва 28 махсус ўқув юртларида кириш имтиҳонлари бошланди.

Эрта тонгдан қалби илмга чанқоқ ёшлар дастлабки кириш имтиҳонларини топшириш учун институт ва техникумларга шошишади. Улар ҳаяжонда биринчи синовдан қандай ўтишлари ҳақида ўйлаб боришарди...

Низомий номидаги Давлат педагогика институти ҳовлиси эрталаб соат саккиздан ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Абитуриентлар белгиланган аудиторияларга киришди. Соат миллари 8 яримни кўрсатиши билан кириш имтиҳонлари бошланганини эълон қилувчи қўнғироқ жаранглайди. Имтиҳонлар бошланди.

Институт қабул комиссиясининг масъул котиби, доцент И. Т. Тожиевдан бу йилги қабул ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Бу йил институтда янги дефектология факультети очилди. Институтнинг 11 факультетига 20 дан ортиқ мутахассислик бўйича 765 студент қабул қилинади. Институтга кириш учун 4 мингдан ортиқ ёшлардан ариза тушди. Уларнинг кўпчилиги Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Сирдарё областларидан бўлиб, ишлаб чиқариш стажига эга бўлган йигит-қизлардир.

Кириш имтиҳонларига бу йил ҳар йилгига қараганда, яхшироқ тайёргарлик кўрилди. Июль ойида фанлар бўйича консультациялар ўтказилди. Узоқдан келган ёшлар ётоқхона билан таъминланди.

Бугун институтимиз ўқитувчилари томонидан ёшларнинг билимларини синаш бошланди. Энг яхши тайёргарлик кўрган, билимли ва интизомли, барча фанларни юқори кўрсатгичларга топширган абитуриент институтга қабул қилинади.

Доцент С. Хўжаев ва А. Бойдедаевлар физика фанидан имтиҳон олишяпти. Аудиторияда сокинлик икки абитуриент жавоб бермоқда, иккитаси эса тайёрлаб ўтиришибди. Қашқадарё область Китоб районидан келган Х. Ганиеванинг жавоби ўқитувчиларни жуда қониқтирди.

Институтда имтиҳонлар қизғин давом этмоқда.

СУРАТДА: кириш имтиҳонида:

Ж. Раззоқов фотоси.





ЛЕНИНГРАД. Шаҳар кўчаларида асфальт билан ёпилган йўлларга пластмасса белги қўядиган Финлян диядан сотиб олинган махсус янги автомашина пайдо бўлди.

Машина ўрнатган пластмасса илгари шу мақсадлар учун ишлатиладиган рангларга нисбатан узоқроқ чидайди.

Машина соатига 2 километр иш бажаради.

СУРАТДА: махсус машина билан Исаакиев майдонида ўрнатилган чегара чизиқлари.

В. Штейн фотоси. (ТАСС фотохроникаси).



Абдулҳай Маракаев Тошкент тепловоз депосининг 1 класс машинистидир. У 17 йилдан буён шу депода намунали меҳнат қилмоқда. И. Глауберзон ва В. Смроткин фотоси.

◆ Шу куннинг репортажи

„САЛОР“ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«Салор» станцияси шаҳримиз дарвозаси ҳисобланади. Гарчанд бу станция пойтахтнинг чегарасида эмас, қоқ марказида жойлашган бўлса-да, шимолдан келадиган барча поездларни қабул қилади.

Пўлат излар бўйлаб кунү-тун составлар ўтиб туради. Ора-чора пассажир поездлари ўтиб қолади.

Улар бу ерда тўхтамайди. Фақат олдинда, светофорда яшил чироқ ёнишини кутиб бироз секинлаб ўтади. Бу ерда фақат юк поездлари ва шаҳар атрофига қатновчи составлар тўхтайди, холос.

...Мана, тепловоз бир қанча вагонлар, ярим вагон, платформа, цистерна вадумкарлар уланган составни тортиб кетяпти. Бу юк поезди. Поезд мана шу ерда тўхтайди ва «тақсимот қилинади.»

Маневрчи тепловозлар пўлат излар бўйлаб вагонларини ажратиб гоҳ у, гоҳ бу йўлга тортиб кетяпти.

Станцияда маневр парки бор. Бу ерда турли хил юклар ортилган вагонлардан составлар тўпланади. Озиқ-овқат, енгил саноат, машинасозлик саноати корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар — Тошкент завод ва фабрикаларининг маҳсулотлари Иттифоқнинг турли бурчакларига олиб кетилади.

«Салор» станциясининг доимий мижозлари бор. Чунончи «Узбексельмаш». «Узбекхлопкомаш», «Ташгекстильмаш», «Ташавтомаш», лак-бўёқ заводлари ўзига келган маҳсулотни шу ердан олади ва ўзида ишлаб чиқарилган нарсаларни шу станциядан жўнатади. Чорвоқ гидроузели ва беш йилликнинг бошқа янги қурилишларига зарур бўлган қурилмалар ҳам шу ерга келади.

Станция Тошкент темир йўли билан бир вақтда бунёд этилган.

Биз станция бошлиғи И. Усмонов хонасида ўтирибмиз. Очиқ дераздан вагонларнинг гилдираги кўриниб турибди.

И. Усмонов ва унинг старший ёрдамчиси Я. Левентас бу ерда йигирма йилдан кўпроқ вақтдан буён ишлади. Темир йўл хўжалигидаги барча янгиликлар, янги иш усуллари уларнинг кўз ўнгида рўй берди.

— Илгарилари станциямизда бор-йўғи саккизта из бўларди,— дейишади улар.— Ҳозир эса бир неча баробар кўпайди. Энди стрелкалар механик равишда бошқарилади, автоблокировка усулидан фойдаланилади. Станциямизнинг қудратли тепловозлари бор. Биз Ўрта Осиё темир йўлида биринчи бўлиб «ТЭМ-2» тепловозларини олганмиз.

Машинистлар билан радио алоқа қилиб турилади. Машинист ҳали станцияга кириб келмасиданоқ нима ишлар қилиш кераклиги, поездни қайси йўлга киритиш лозимлиги ҳақида кўрастма олади.

Иш аниқ план билан олиб борилади. Бу эса кўп жиҳатдан кекса машинистларнинг ва темир йўлчиларнинг маҳоратига боғлиқ.

Биз платформада стрелкачи Александра Николаевна Баришниковани учратиб қолдик.

Унинг бутун меҳнат фаолияти темир йўл билан боғлиқ. Кўп йиллар Ашхободда ишлаган. Мана 16 йилдирки, Тошкент бўлинмасида ишлайди. Уруш йилларида машинист ёрдамчиси бўлиб ишлаган, қанчадан-қанча поездларни фронтга жўнатган. Поезд бошлиғи бўлиб меҳнат қилган. Кейин пенсияга чиққан. Аммо яна ўз севган ишига қайтган.

Кадрлар бўлимига келиб ўзига иш топиб беришларини сўраган. Унга кассирликни таклиф қилишганида аёл кўнмаган.

— Йўқ,— деган у.— Нима бўлса ҳам поездларга яқинроқ турай.

Ёки сигналчи Раззоқ Раҳимбердиевни олайлик. 22 йилдан буён шу ишни қилади. У фақат яхши темир йўлчи бўлибгина қолмай, меҳрибон устоз ҳамдир. Раззоқ ака қўлида «ўғлаб ёш мутахассислар тарбия кўрган. Ғ. Раҳимбердиев поездлар ҳаракати хавфсизлиги бўйича катта жамоатчи ревизорлик ҳам қилади. «Ҳурмат белгиси» ордени, «Шавкатли меҳнати учун», «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медаллари билан мукофотланган.

Ҳозир ёш темир йўлчилар сафи кенгайиб боряпти. Қодир Ҳожираҳимов ўрта мактабни битириб, темир йўлга ишга келганига кўп бўлгани йўқ. Ҳозир эса тажрибали поезд тузувчи бўлиб қолди.

Пўлат излар офтобда ярақлайди. Зум ўтмай гувуллаганча поездлар ўтиб қолади. Бири Тошкентга кириб келади, бири Москвага, Узоқ Шарққа йўл олади. Хуллас, бу ердан Ватанимизнинг ҳамма томонларига қон томирларидек пўлат излар тараліб кетади.

В. ЛАПИНА.

ЦЕХ ЛОЙИҲАСИ

Тошкентдаги Ўрта Осиё озиқ-овқат саноати корхоналарини лойиҳалаш институти инженер-лойиҳачилар ёғ-мой комбинати комплексига энг зарур алкилсульфат хомашёсини ишлаб берувчи цех биноси лойиҳасини чизишга киришдилар.

Келгусида бу цех ишлаб чиқарадиган химиявий модданинг аҳамияти жуда каттадир. Алкилсульфат ҳимиявий модда комбинат ишлаб чиқараётган «Айна», «Новость» каби қатор кир ювиш порошокларидаги энг зарур моддадир. Бу модда ишлатилмаса, бу порошоклар тамоман кучсизланиб, ўз аҳамиятини йўқотади.

Ҳозиргача эса комбинат алкилсульфат ҳимиявий моддани Озарбайжон республикаси ва чет элдан олар эди. Келгуси йили бу цех фойдаланишга топширилади ва қимматбаҳо химиявий модда республикамизда ишлаб чиқарила бошлайди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Одимлар

Қурилиш майдонларида ишлаётган коммунистлар партия съездини амалга оширишда, янги Тошкентни бунёд этишда чинакамига авангардлик қилмоқдалар. Меҳнатни янгича ташкил этишнинг илғор усулларини амалда қўллаш, ички резервларни қидириб топиб, ишга туширишда ташаббускор бўлмоқдалар.

Қурувчилар бунёд этаётган янги-янги турар-жойлар, ўнлаб болалар боғчалари, мактаб ва маданий-маиший объектлар аҳолини гоят мамнун этмоқда. Қўлга киритилаётган бу ютуқлар уларни қаноатлантириб қолмаётир. Қурувчиларнинг ташаббускорлиги, ижодкорлиги тобора кенг қулоч ёймоқда.

Айниқса, ҳозирги муборак кунларимизда тинчлик иши учун, коммунизм қуриш учун меҳнат қилиш шон-шараф ишига айланиб қолди. Улкан яратувчилик меҳнати билан машҳур бўлган барча совет кишилари келгуси йилда катта ишонч санаин нишонлайдилар. Бу цсонистлар партиясиз ишчиларни ҳам ўз орқаларидан эргаштириб бораётирлар.

Трест коммунистларининг 70 процентн оддий механизатор ва ишчилардир. Кейинги йиллар коллективда меҳнат интизомини бузган, коммунист деган номга дог тушиган кишилар бўлмади. Бу жанговар штаб бўлган бошланғич партия ташкилотларида сиёсий-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйилганлиги натижасидир.

Фидокор механизаторлар қурилиш объектларида энг масъулиятли вазифани бажаришади. Биргина бинокорнинг йўқлиги қурилиш учун унча зарар келтирмайди. Аммо бир механизаторнинг бўлмаслиги қурувчилар учун жуда қимматга тушади. Бутун бошлиқ кран ишламаслигидан ташқари ўнлаб қурувчилар иши ҳам тўхтаб қолиши мумкин.

Бошланғич партия ташкилотлари трест маъмурияти билан ҳамкорликда ана шундай ҳунар ҳолларнинг содир бўлмаслиги учун барча чораларни кўрди. Бу ишда коммунистлар авангардлик кўрсатишаётир.

Автокран машинисти қарма Кўчма Қизил байроқни иккинчи марта қўлга сақлаб қолди. Бошқармаларо мусобақада 5-монтаж бошқармаси иккинчи ўринни эгаллаб, кўчма вимпелни олишга сазовор бўлди.

Ўртоқ А. Позднинов бош бўлган партия комитети социалистик мусобақани намунали ташкил этиш, ишчиларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бераётир. Ҳозирги кунда коллективда 278 механизатор «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган шарафли ном эгасидир. 19 участкадан иккитаси «Коммунистик меҳнат участкаси» номини олган. 12 участкадан эса шу шарафли номни олиш учун меҳнат вахтасида туриб ишламоқда.

Шу кунларда трестнинг механизатор ва машинистлари бош бошқармага қарашли 680 қурилиш объектида бинокорлар огирини енгил қилмоқдалар.

Шуни фахр билан айтиш мумкинки, коллективдаги 72 коммунист-механизатор 1970 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Улар беш йиллик мажбуриятларини тўрт йилда бажаришга эришадилар. Ана шундай пешқадам қурувчилар ҳисобига коммунистлар — сафи тобора ортмоқда. Масалан, бу йил 23 киши партия сафига қабул қилинди. Шулардан 16 киши трест ҳаётида актив иштирок этаётган комсомоллар эди.

Трест партия ва ҳўжалик ташкилоти эришаётган бу ютуқлар соясида гоҳо кўзга ташланиб қолаётган нуқсонлар киши кўнглини хира қилади. Маълумки, коллективдаги барча бошқармалар ярим йиллик план топшириқларини ошириб адо этди. Аммо 10-монтаж бошқармаси планни бажара олмай қолди. Бу масала бир неча марта очиқ партия йиғилишларида муҳокама қилиниб, тегишли чоратадбирлар кўрилди.

Шу кунларда 1-«Строймеханизация» трести ишчи-хизматчилари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Бу ишда коммунистлар авангардлик кўрсатишаётир.

П. НИШОНОВ.

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

Кунн кеча Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси ва Ўрта Осиё темир йўлни ходимлари касаба союзлари президиумн иккинчи квартал мусобақаларининг натижаларини қараб чиқдилар.

Ўрта Осиё темирйўли бошқармаси ва Ўрта Осиё темир йўлни ходимлари касаба союзларининг Кўчма қизил байроги пассажирларга хизмат кўрсатиш Тошкент йўл идораси коллективига ҳамда сигнал ва алоқа Тошкент дистанцияси коллективларига берилди.

Жаҳон ойнаси

ТАСМАЛИ ПОЙАФЗАЛ

ПРАГА. (АПН—Прагопресс). Яблоница чеварлари ишлаб чиқараётган тасмаларга бутун дунёда талаб катта. Ҳозир унга янги буюртмачилар пайдо бўлди. Модель ясовчилар хотин-қизларнинг туфлиларини безатиш учун мунчоқлар билан безатилган тасмалардан тобора кўпроқ фойдаланмоқдалар. Эркаклар пойафзалини безатиш учун ҳам бир оз камроқ ҳажмда ундан фойдаланила бошланди. Яблоница корхоналари чет эллардан берилаётган кўп сонли буюртмаларни зўрға бажариб улгурмоқда. Совет Иттифоқи, Венгрия, Болгария, Англия, Франция ва Италияга кўплаб пойафзал тасмалари жўнатилди.

Шартнома имзоланди

БОГОТА, (ТАСС). Бу ерда Колумбия билан Польша Халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Польша —Колумбиянинг Карло Льерас Рестрепо бошчилигидаги ҳозирги ҳукумати дипломатия муносабатлари ўрнатган бешинчи социалистик мамлакатдир. Колумбия бундан илгари Совет Иттифоқи, Чехословакия, Руминия ва Югославия билан дипломатия муносабатлари ўрнатган эди.

Кенгаш чақиришни ёқлаб

БЕЛГРАД, (ТАСС). ТАНЮГ агентлиги хабар беради: Югославия Социалистик Федератив Республикаси ҳукумати Финляндия ҳукуматининг эсдалик хатига жавоб юборди. Финляндия ҳукумати ҳавфсизлик масалалари юзасидан Умумевропа кенгашини чақириш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаб, кенгашнинг ташкилотчиси бўлишга тайёр эканлигини билдирган эди. Югославия Социалистик Федератив Республикаси, дейилади жавобда, Финляндия ҳукуматининг ташаббусини, шунингдек шу соҳадаги бошқа таклифларини табриклайди ва ўзи жуда манфаатдор бўлган ана шу ҳаракатга конструктив ҳисса қўшишга интилади.



ГДР. Росток шаҳридаги янги бадиий салон шаҳар меҳнаткашларининг ҳам, чет эллик меҳмонларнинг ҳам эътиборини ўзига торгмоқда. Айниқса бу ерда очилган «Росток округи социалистик санъати» кўргазмаси катта қизиқиш уйғотмоқда. АДН—ТАСС фотоси.

УРУШҚОҚЛИК ПОЗИЦИЯСИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ мудофаа министри Мелвин Лэйрд Қўшма Штатларнинг химиявий ва бактериологик қуролини ишлаб чиқариш ҳамда синаб кўриш соҳасидаги ишларни давом эттиришини ёқлаб гапирди.

Лэйрд Пентагонда Америка коллежлари студентларининг бир группаси билан ана шу қурол потенциалини бундан буён кўпайтириш кераклигини оқламоқчи бўлди.

Социализм мамлакатларида

АЛОҚА ИШЛАРИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИЛМОҚДА

БЕЛГРАД. (АПН ТАНЮГ). 1975 йилда Югославияда яшовчи ҳар ўн кишидан бири телефон олади. Ўша вақтда мамлакат аҳолиси 22 миллион кишига етади. Югославия почта, телеграф ва телефон бирлашмасида ҳозир 600 минг телефон номери рўйхатга олинган. Яна беш йилдан кейин унинг сони 2 миллион 200 минг бўлади.

Почта, телеграф ва телефон системаларини замонавийлаштириш бўйича тасдиқланган беш йиллик планда мамлакат телефон ва телеграф тармоқларини автоматлаштириш ҳам кўзда тутилган. Уларга мамлакатнинг ўзида ва чет элларда ишлаб чиқарилган энг янги аппаратлар ўрнатилади. Алоқа йўлларининг иш қобилияти беш баравар ўсади. Барча транзит станцияларн ўртасида олиб борилаётган ишларнинг ишончли бўлишини таъминлаш мақсадида қўш алоқа ўрнатилди.

Шаҳарлараро алоқа йўлларининг қуввати анча кўпайтирилади. Шу мақсадда Белград ва Загреб шаҳарларида Европадаги барча мамлакатлар билан автоматик ва ярим автоматик почта алоқаси қилиш станцияларн қурилятти. Қитъалараро ва узоқ қитъалар билан ернинг сунъий йўлдошлари ёрдамида алоқа қилиш станцияларн қуриш ҳам кўзда тутилган. Югославия халқаро телесистемага қўшилади.

Почта хизматини замонавийлаштириш белгиланди. Хатлар мамлакатнинг аҳоли яшайдиган ҳар қандай пунктига бир сутка ичида етказиб бериладиган бўлади.

Слободан ЛУКИЧ,
Югославия журналисти.

ҚУВОНЧ ВА КУЧ МАНБАИ

Танзания пойтахти Доруссаломда Миллий музей бор. Мен бу ерга тез-тез кириб, мамлакатнинг ўтмишдаги турмушини акс эттирувчи экспонатларни узоқ томоша қиламан. Кўп қабилали халқ мустамлакачилик қуллиги даврида ҳунармандчилик санъати чеварларининг сирларини авайлаб сақлаб, авлоддан-авлодга узатиб келди, ўз урф-одатлари ва анъаналарини сақлаб қолди. Миллатнинг ўз-ўзини сақлаб қолишга бўлган табиий интилиши, унинг океан орқасидан келаётган ёт маданиятнинг сиқинига бардош беришни исташи ана шу билан ифодаланади.

Мустақилликка эришилгач халқнинг маънавий ва маданий қайта тикланиши унинг олдида янги имкониятлар очиб берди. Чет эл ҳукмронлиги даври из қолдирмасдан кетмади, албатта. Бу ерда иқтисодий фронтдагидек шиддатли кураш борянти. Мамлакатнинг ҳукмрон ТАНУ партияси маънавий ривожланиш иқтисодий ва социал тараққиётдан ажралмасдир деб ҳисобламоқда ва оммани маданий тарбиялашга катта аҳамият бермоқда. Бу тарбиянинг янги дунё кишисини яратишга зарур шарт деб қарамоқда. Шу билан бирга африкаликлар тор миллий доирада биқиниб қолмаётирлар. Улар жаҳон маданиятининг ютуқларида иштирок этмоқдалар. Рус ва совет намуналарини ўрганиш аччагина ўринни эгаллайди. Студентлр ва мактаб ўқувчилари ўз ватанларининг ўтмишига бағишланган пьесаларни ўзлари ёзиб, спектакллар қўядилар. Шекспир ва жаҳон драматургиясининг бошқа классикларининг асарларини сахнага қўядилар. Чеховнинг «Айиқ» деган пьесаси мамлакатдаги энг яхши спектакллар конкурсида икки йилдан буён қаторасига биринчи ўринни олиб келмоқда. Доруссаломнинг Темеке районидаги ўрта мактаб ўқувчилари рус ва совет маданиятининг машҳур асарларини ўрганишнинг ташаббускорлари бўлдилар.

Мамлакатнинг китоб токчаларида танзаниялик ёш ёзувчи ва шоирларнинг янги асарлари пайдо бўлмоқда. Ҳозир ёшлар учун кутубхона заллари, выставкалар, музейлар очиб қўйилди.

Миллий музей заллларида ҳар йили бадиий экспозициялар ташкил этилади. Унда баъзан модернизм йўналиши мухлисларининг суратларини учратиш мумкин. Аммо улар асосий роль ўйнамайди. Кўпчилик суратлар меҳнаткаш халқни, унинг турмушини акс эттиради, унинг маънавий дунёсини очиб беради. Мен танзаниялик ёш рассомлар студиясида бўлдим ва улар билан миллий санъат тақдири ҳақида суҳбатлашдим.

— Бизнинг орзумиз турмушни кўра билиш, уни ижодиётда акс эттириш, кишини қувонишга ва теран туйғулардан ҳаяратланишга мажбур этишдир,— деди менга суратлари выставка томошабинлари ўртасида катта муваффақият қозонган Мбиуа Бондо.

Вернисажларнинг бирида мен Танзания маданияти ва санъати масалалари бўйича комиссар Нитро билан гаплашиб қолдим.

— Бизнинг маданиятимиз,— деди у,— миллатнинг ақлий ривожланиш манфаатлари учун хизмат қилиши, халқнинг ўз ўтмишига ҳурмат билан қарашни тарбиялаши керак. У эндиликда маънавий гуллаб-яшнашни рағбатлантириб туриши зарур. Бусиз моддий тараққиётга эришиб бўлмайди.

Мен бу сўзларни ҳақ сўзлар эканига бир неча марта ишондим. Танзания ерида ўз қадр-қийматини сезиб турадиган янги хилдаги африкалик киши туғилянти. Миллий ва жаҳон маданиятининг бойликлари унинг қувонч ва куч манбаи бўлиб қолмоқда.

Э. РЯБЦЕВ,
АПН мухбири.
Доруссалом.



ПОЛЬША. Вроцлава яқинидаги Ельч автозаводи бу беш йилликда турли хилдаги минглаб машиналарни ишлаб чиқарди. Яқинда «Ельч-317» маркали кучли юк машиналари чиқарила бошладн. Суратда: янги машиналар синов пайтида. ЦАФ—ТАСС фотоси.

ВЕНГРИЯ ДИПЛОМИ БИЛАН

БУДАПЕШТ. Дьерд Килиана номидаги меҳнат резервлари билим юртида байрам. Унинг тарбияланувчилари бўлган вьетнамлик 200 йигит ва қизга радио ва фармацевтика саноати соҳасидаги мутахассис деган дипломлар топширилди. Улардан кўплари Будапешт ва Секеофехервар шаҳарларидаги фармакология корхоналари, радио ва телеаппаратлар ишлаб чиқарадиган машҳур «Видеотон» заводида практикадан ўтди.

Ёш вьетнамликлар тез-тез ишчилар ва студентлар коллективларида бўлиб ўз халқларининг америкалик босқинчиларига қарши олиб бораётган курашини гапириб бердилар.

Билим юрти мастерлари ва ўқитувчиларининг берган баҳосига қараганда, вьетнамлик курсантлар тиришқоқлик билан ўқиганлар ва мустақил ишга тўла тайёрлар.

Вьетнам Демократик Республикасининг йигит ва қизлари венгриялик синфдошлари билан ўқиш давомида дўстлашдилар ва уларнинг мамлакатини севиб қолдилар. Уларнинг ҳаммаси венгерча яхши гаплаша оладн. Улар ўз ватанларига қайтиб боргач, Вьетнам — Венгрия дўстлиги клубини ташкил этишга қарор қилишди.

Габор САТМАРИ,
Венгер журналисти.



Черданцев массивидаги «Шарқ» маиший хизмат кўрсатиш комбинати очган 8-жара пунктида тўй-маъракаларда зарур бўладиган ҳамма нарса топилади. Ушбу сурат жара пунктида олинган.

М. Нуритдинов фотоси.



◆ Ажойиботлар

ҚИСҚА ЭЛЕКТР МАГНИТ ТЎЛҚИНЛАРИ

Асримизнинг бошидаёқ бутун дунё физикларини жуда қисқа электр магнит тўлқинларининг турланиши қизиқтирарди. Ўша вақтда уч миллиметрли тўлқинларни олиш билан ёруғлик электр магнитдан ҳосил бўлиши тасдиқланади. Аста-секин тўлқинлар узунлиги инфра қизил нурланишлар даражасига, яъни 343-30 микрон доирасигача тушди. Яқин вақтгача қисқароқ 30 ва 07 микрон оралиғидаги тўлқинлар (яъни узоқ, ўртача ва яқин инфра қизил доирасидаги) номаълум эди, холос.

Бундай тўлқинлар яқинда профессор В. Петреску бошчилик қилаётган Яссидаги политехника институти коллективи томонидан кашф қилинди. Тадқиқотчилар ажойиб принципга асосланиб, 30 дан 0,7 микронгача бўлган тўлқинлар турланадиган «массага каллонд нурлатгич» яратдилар. Шундай қилиб, узунлиги бўйича инфра қизил нурланиш тўлқинлари билан тенг келадиган тўлқинларнинг бутун доираси қамраб олинди.

Ясси физиклари томонидан кашф қилинган тадқиқот ишлари бўйича олинаётган тўлқинлар уларни олиш усули билан бирга алоҳида сифатларга ҳам эга. Шуни таъкидлаш керакки нурлатгич олтин, кумуш ва мис учун майда коллонд заррачалар ўлчамларини аниқлашда қўлланилади.

(Руминия)

◆ Пазанда минбари

Помидор димлама

Доғланган ёғда пиёз ва гўшт қовурганингиздан кейин туз, лавр япроғи ва бутун қалампир соласиз, оловни пастлатасиз. Помидорнинг яхши пишган бир хил катталикдагиларини танлаб олиб, ювасиз. Помидорларни қовурма устига терасиз, қозонни буғ чиқмайдиган қилиб бекитасиз ва 1,5 соат димлаб пиширасиз.

Помидор димлама учун: 400 грамм ёғ, 500 грамм гўшт, 500 грамм пиёз, 2 килограмм помидор керак бўлади. Туз ва зираворлар таъбга кўра солинади. Бетига сепиш учун бир боғ райҳон ва ярим боғ кашнич кетади.

Ажабсанда

Бу таом буғда пиширилади. Бунинг учун 2 та идиш керак. Идишларнинг бири каттароққинчиси кичик бўлиши керак. Кичик идишга бир қават кубик қилиб тўғралган картошка соласиз, унинг устидан майда тўғралган сабзи, устидан помидор, навбатдаги қатламига паррак-паррак қилиб тўғралган пиёз, янаги қаватига саримсоқ парраклари, энг юқоригн қатламига думба ёғ ва гўшт бўлакларини соласиз. Ҳамма маллиғ идишнинг лабидан 3—4 сантиметрча пастроқ туриши керак, чунки таом пиширилаётган пайтида қайнаб тошиб кетмаслиги керак.

Масаллиғни қават-қават қилиб солаётганингизда ҳар бир қаватга бир оздан туз, мурч ва зира сепишингиз керак. Бундан ташқари, таъбга кўра қирқилган кашнич ва ширин қалампир солсангиз ҳам бўлади. Масаллиқ солинган идишни катта идишга қўйсиз ва икки идиш оралиғига сув қуйиб ўтга қўясиз. Сув қайнаб, буғ кичик идишдаги масаллиққа таъсир этиши учун катта идишни жуда маҳкам қилиб бекитасиз. Катта идишдаги сув тугаб қолса, шунингдек, қопқоғи жипс ёпилмаган бўлса, таом яхши пишмай қолиши мумкин. Ажабсанда тахминан 1,5 соатда пишади. Лекин уни қанча узоқ қайнатсангиз (масалан 5—6 соат) шунча лаззатли бўлади. Бу таом хушбўй ва хушхўр бўлиши билан бирга буғлаб пиширилгани учун киши организмида яхши ҳазм бўлади. Масаллиқдаги витамин ва бошқа фойдали моддалар ҳам парчаланиб кетмайди.

Тайёр таом дастурхонга ликопчаларда тортилади. Ажабсанда учун: 500 грамм гўшт (лахм қисми), 150 грамм думба ёғ, 500 граммдан картошка, помидор, сабзи, пиёз, 2 дона ширин қалампир, бир боғ кашнич ҳамда таъбга кўра туз ва ҳар хил зираворлар кетади.

К. МАҲМУДОВ.

◆ Оила ҳақида суҳбатлар

Рашк кулфатлари

Шак-шубҳалар зулмати ичида ақл нуридан эътиборли раҳнамо бўлмайди:

(«Калила ва Димна»дан).

«Муҳаббат бор ерда рашк бор» дейдилар. Лекин рашкдан рашк фарқ қилади. Аламли, шак-шубҳали рашк руҳий хасталикдир. Аламли рашк (қизғаниш) туйғуси олий нерв системасининг ноқулай йўналишидан хабар беради. Бундай руҳий ҳиссиёт муҳаббат соҳибини доим назорат остига олиб юради. Унинг хаста хаёлида севгилиси ўзгалар билан суҳбат қургандай туюлади. Бу туйғу юракни ачиштириб, ҳатто оғриқ пайдо қилади. Уйқу, иштаҳа қочади, асаб бузилиб, ҳар нарсадан жаҳли чиқадиган бўлиб қолади.

Рашкли киши бутун алам-ситамини севган кишисига сочади. Агар ўзини тута билмаса нарсаларни отади, синдиради, йиртади. Жисмоний ҳамла ҳам қилади. Рашк алангаси ўчгандан сўнг умумий тинка қуриш, чарчашлик аломатлари содир бўлади. Одамнинг табиати ўзгаради, паришонхотир бўлади. Агар у бирон дўсти билан гаплашса аҳволини бўрттириб сўзлайди. Фойдали маслаҳатлардан юз ўгиради.

Умуман айтганда, рашкчи ниҳоят хавотирли оқибат ва ҳаёллар гирдобига ғарқ бўлади. Бизга таниш бир йигит ишдан қайтгандан сўнг «мен йўғимда қаерга бординг» дея рафиқасининг оёқ кийимларини синчиклаб текширар, ёки шкаф ичларини, каравот тегларини ахтариб, бировни топмоқчи бўлади. Табиатан пок ва нозик келиш ноҳақ ҳақоратлар, азоб чекар эди.

Рашк кулфатлари икки томонни ҳам тинч қўймайди, албатта. Муҳаббат ва гўзаллик барҳам топади, орага совуқлик тушади. Сўралган узур ҳам кўнгилга далда беролмайди. Айрим ҳолларда рашк оқлавий фожиаларнинг сабабчиси ҳам бўлади. В. Шекспир, Ф. Шиллер асарларида икки томоннинг ноҳақ ҳалок бўлгани яққол кўрсатилган. Рашк хасталиги бахтга қарши, кишида соядек умрбод бирга юриши мумкин. Бизга таниш баъзи оилаларда, гарчи улар 3-4 фарзандли бўлсаларда, рашк кулфатлари ҳамон давом этади. Минг афсуски, рашкли оилаларнинг фарзандлари «кўш уясида кўрганини қилади» дегандек рашкли, бахилли хулқ-атворга гирифтор бўлиб ўсадилар.

Рашк дардидан қутулиш мумкинми? Ҳа, албатта мумкин! Коммунистик ахлоқ рашк туйғусини рад этади. Чунки рашк балоси, айниқса хотин-қизларга нисбатан синфий ёт ҳаётнинг чиригандан ҳосилидир. Оилавий аҳд-паймон ва ҳамжиҳатлик, меҳрибон ва ҳушмуомалалик, ишдан бўш вақтларда бирга бўлишлик муҳаббатни парвариш қилиш демакдир. Фарзандлар эса муҳаббат камарини маҳкам боғлашади. Саранжом-саришталик, оила даромадининг ноўрин сарф бўлмаслиги оилавий покликдан хабар беради. Бундай аҳлоқли хушнуд оилада рашкка ўрин ҳам йўқ. «Севимли хотин қаримайди». — дейди Горький. «Доимо кулиб юрувчи эриниг хотини дунёда энг бахтли хотиндир» — дейди Фирдавсий. «Тотув турмуш узоқ умр», дейди донишманд халқимиз.

Рашкли кишининг жаҳли бурни «учида» туради, ана шу жаҳлни қайтара билиш маҳоратдир. Акс ҳолда жаҳл арзимаган ишни мусибатга айлантириши мумкин. Спиртли ичимлик рашк кўрини алангага айлантиради, айни шу вақтда жиноят содир бўлади.

Кўнглига ғаразлик тушиши билан ақл сабр ва ўз-ўзини юпатиш билан иш кўрилса, ҳар қандай мусибат ҳам даф бўлади. Қадимий юнон донишмандларидан Эзоп «Кўпол кучдан кўра эркалаш туфайли катта мақсадларга эришса бўлади» деб бежиз айтмаган.

Рашк аламидан халос бўлиш учун киши дастлаб ўзи пок табиатли, темир иродали, оиласевар бўлмоғи шартдир. Бу одамий сифатлар кишини турли шубҳалар олдида ўйинчоқ қилиб қўймайди.

Рашк ҳиссиёти ташқи муҳит билан ҳам узвий боғлиқдир. Дўст-дугоналар суҳбати ибо-иборали, илмоқли бўлмаслиги керак. Кишининг феълатворини била туриб, шак-шубҳага йўл қўйиш одобдан эмас. Шунингдек эр ҳам, хотин ҳам бир-бирини аяб, шубҳага, рашкка асло йўл қўймасликни биринчи шартлардандир. Умуман айтганда, ўринсиз рашкни енгиш нормал оилавий ҳаётни тиклаш, сиҳат ва саломат яшашнинг зарур омилидир.

З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
медицина фанлари кандидати.



Фарғона областидаги Водил қишлоғида бу чинорлар 600 йилдан бўён салқин бериб турибди. В. Исаков фотоси.

Экран янгиликлари

«ЖАЗОЛОВЧИ»

Ёш гоёк солдати Вангелис қўллари қадоқ, кўзлари қўёш нурида қорайган деҳқон боласи. Қишлоқда ўсганлиги туфайли қуёш, гуллар, ўтлар ошиғи у. У ерни севади, қишлоғини тез-тез қумсайди.

Вангелисни ўн бир солдат билан бирга жазо отрядига қўшиб, бир коммунистни отишга мажбур қиладилар. Ун икки карабим девор остида турган кишига қаратиладилар. Бир солдат ўқ отишдан бош тортиб сафдан чиқади.

Вангелис отилган кишини унутиб юборсам керак деб ўйлайди, ўз гуноҳини ювиш учун поп олдига боради.

Вангелис шу куни кечқурун газетада ўша жазо тоғдаги расмини кўриб қолади. У отиб ўлдирган кишининг таниш-билишларини учратади. У йигит эндигина ўн тўққизга кирган эди.

«Жазоловчи» фильмининг яратувчилари ўз фильмларида инсон ўзининг ҳар бир қилмиши учун жавобгар эканлиги, бурч ва садоқат ҳаёт ва ўлим масалалари устида тўхтаб ўтадилар.


— Бу фильм,— деб ҳикоя қилади постановкачи режиссёр Манос Захариас,— ҳали шахс бўлиб шаклланмаган бир киши ҳақида. Вангелис армия хизматини ўтаб бўлгандан кейин маъшуқаси билан ўз қишлоғига қайтиб кетишни орзу қилади. Аммо ўша куни мудҳиш воқеа унинг тақдирида бурилиш нуқтаси бўлди. У Марияни бир умрга жудо бўлади. Ҳарбий патруллар уни ўласи қилиб дўппослайдилар. Буларнинг ҳаммаси ўша ҳодисаларнинг оқибати. Бу воқеа содир бўлмаганда эди, Вангелис бир неча йил бепарво яшарди. Марияга уйланарди ҳам. Лекин барибир у ўзи қилган иши ҳақида ўйламасдан иложи йўқ эди. Чунки инсон ўзини ўраб турган жамиятдан четга чиқиб кета олмайди.

Бош ролларни ижро этиш учун биринчи бор суратга тушаётган МХАТ нинг мактаб-студиясини тугатган Евгений Киндинов билан ГИТИС нинг актёрлик факультетининг талабаси болғор қизи Мария Вандовалар таклиф этилган.

Фильмни «Мосфильм» киностудияси суратга олган.

Суратда: фильмдан кадр.





«БЕРЛИН ТОМОН ЙЎЛ»

Улуғ Ватан урушининг сўнгги кунларига бағишланган бу бадиий фильмни «Ленфильм» киностудиясининг ижодкорлари яратган.

Сценарий муаллифлари: Борис Васильев, Кирилл Рапопорт, Юрий Чуковкин, постановкачи режиссёр: Михаил Ершов.

Фильм жангчилар ҳақида ҳикоя қилади. Бу мансаб ёки унвон эмас. Оддий солдат ҳам, маршал ҳам, командир, санитар ҳам, алоқачи ва ҳарбий Совет аъзоси ҳам... Буларнинг ҳаммаси — жаҳонни фашизм балосидан сақлаб қолган солдатлар.

— Фильмимиз — уруш тўғрисида,— деб ҳикоя қилади постановкачи режиссёр Михаил Ершов.— Мени сценарийдаги жанглар тафсилоти эмас, балки ажойиб характерлар ўзига мафтун этди. Мен фашизмнинг ҳайвоний фалсафасига қарама-қарши қўйилган совет кишисининг уруш даги гуманизми тўғрисида фильм яратишга бел боғладим.

Сценарийни ўқиб чиққанимдан кейин ўзим урушнинг охирги кунлари кўрган-кечирганларим ҳақида ҳикоя қилдим. Мен ҳам Берлинда жанг қилганман. Ахир 1945 йилнинг 16 апрель эрта тонгини ҳеч унута олмайман.

...Берлингача —35 километр. Ҳамма нарса сўнгги ҳужумга тахт қилиб қўйилган. Фронт қўмондонлиги ва унинг штабларида операция планлари ишлаб чиқилмоқда. Вазифалардан бири — Штраусберг шаҳрини қўлга олиш — полковник Петров дивизиясига топширилган. Яхши тайёргарлик командирларнинг аниқ ҳисоблашлари, жангчиларнинг мардлиги, фидокорлиги натижасида шаҳар қўлга олинади.

Фильмда бош қаҳрамон йўқ. Бош қаҳрамон бир неча. Старший лейтенант Зайцев, полковник Петров, танкчи Кравченко, ҳарбий фельдшер Татьяна Михайловна, алоқачи Петр Лукичлар бош қаҳрамонлар. Мана шуларнинг образидан узоқ машаққатли уруш йўлларини босиб ўтиб, ғалаба билан Берлинга кириб келган жангчи характери вужудга келади.

Суратда: фильмдан кадр.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Гуручни ювганда сувга бир-икки ош қошигида туз солиб юборсангиз, губори кетади ва бундай гуруч сувдан олиб қўйилганда ҳам узоқ вақтгача ўқаланиб кетмайди.

* * *

Ортиб қолган палов, шовла, қовурма каби таомлар иситиб ейиладиган бўлса, бир бош пиёзни майдалаб тўғраб қўшиб юборинг, шунда овқатнинг таъми асл ҳолига келади.

* * *

Қайноқ сувга хамир қориш ярамайди, чунки қайноқ сув хамирни тириштириб, ёйишни қийинлаштиради ва ғозини кетказиб қўяди, натижада, хамир кўпчимайди.

* * *

Сутни қайнатганда қўймаслиги учун идишни совуқ сув билан чайқаб ташланг.

* * *

Бош пиёзни кўп еб бўлмайди. Зарда бўлиш кўпинча шундан бўлади.

◆ Сайёҳлар диққатига

ТОҒТУРБИДГА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ёз ва куз ойларида табиат бағридаги пионер лагерлари, туристик базалар, дам олиш уйлари кишилар билан тўлиб-тошади. Саёҳатчилар турли жойларда бўлиб, ранг-баранг ўсимлик турларига дуч келишади ва улардан қучоқ-қучоқ гулдасталар ясаб, қувонч билан бағриларига босишади.

Гулларнинг ҳаммаси яхши, лекин ҳамма ўсимлик ҳам кишиларнинг бир хилда табассум билан қабул қиладими? Бу савол саёҳларнинг хаёлига ҳам келмаса керак. Улар ўсимликлар туфайли содир бўладиган айрим қўнгилсиз воқеаларнинг юз беришини ҳеч қачон ўйламайдилар. Кўп йиллик кузатишлар айрим пионер, студент, турист ва бошқа табиат бағрида сайр қилган шахсларнинг уйларига ёмон кайфият билан қайтаётганлигини кўрсатмоқда. Бу ҳол ҳеч шубҳасиз мавжуд заҳарли ўсимлик турларини билмасликдан келиб чиқмоқда. Шу муносабат билан биз табиатга йўлланма олаётган ўртоқларнинг диққатини айрим заҳарли ўтларга жалб этмоқчимиз.

Ўзбекистоннинг адир, тоғ ва яйловларида фойдали ўсимликлар билан бир қаторда, парпи, газанда, тоғ-турбид, бангидевона, мингдевона, кампирчопон сингари заҳарли ўтлар ҳам учраб туради. Улар кишиларга турлича зарар етказади. Яъни баъзилари қуйдиради, бошқа бирлари заҳарлайди. Табиат шинавандаларининг дилини оғритадиган ва қуйдирадиган ўсимлик тоғтурбиддир. (Фанда диктамнус деб юритилади). СССРда тоғтурбидларнинг бешта тури бор. Улар Узоқ Шарқ, Шарқий Сибирь, Жунғор-Тарбағатай, Тянь-Шань, Помир-Олой, Кавказ ва СССРнинг Европа қисмида тарқалган. Иттифоқимиздан ташқарида тоғтурбидлар Мўғулистон, Манжурия, Корея, Шимолий Хитой, Эрон каби давлатларда ҳам учрайди. Ўзбекистонда тоғтурбидларнинг иккита тури ўсади. Улардан бири Тошкент ва Фарғона областларида, иккинчиси эса Самарқанд, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё областларида учрайди.



Тоғтурбидлар рутадошларга мансуб кўп йиллик ўтлар бўлиб, ўсиш шароитига қараб, бўйи 50-130 сантиметр орасида бўлади. Пояларн қалин туклар билан қопланган. Барглари жуда йирик, мустаҳкам, 3-8, жуфт баргчалардан ташкил топган. Тўп гуллари шингилсимон. Гулларн маданий гулларникн сингари гоят чиройлн, улар асосан пушти рангли бўлади. Тожибаргининг узунлиги 4-5 сантиметрга етади. Гулқурғон ичидан чиқиб турадиган 10 та чангчи ҳам ўсимликка ажойиб чирой бериб туради.

Шунинг учун ҳам ўсимликка кўзи тушган ҳар бир киши уни олиб гулдаста қилгисн ва бағрига босиб завқланиси келади.

Тоғтурбидлар Ўзбекистоннинг денгиз сатҳидан 1000-2000 метр баландликдаги тоғли районлардаги бута ва дарахтзорларда ўсади. Аҳён - аҳёнда г и н а уларни очиқ жойларда учратиш мумкин. Тоғларнинг ён бағрлари тоғтурбидлар учун энг қулай жой ҳисобланади. Тоғтурбидда кўп миқдорда эфир мойи бўлиб, унинг асосини флаксинеолол, диктамнолактон, тригонеллин ҳамда тез тарқалувчи метилхавикол ва анетол каби моддалар ташкил этади. Тоғтурбид куп исган пайтда ўзидан кўплаб эфир мойларн ажратиб чиқаради. Бу мойлар кишининг бирор аъзосига тегса, орадан бирнкн кун ўтар-ўтмас шу ерни қуйдиради, яъни қўйган ерда ўзига хос пуфакчалар ҳосил бўлади. Жароҳат турли даражада бўлади. Агар эфир мойларн кучли таъсир қилган бўлса, қўйган жойда хунук оқ доғлар, борди-ю, у салгина текан бўлса, у ҳолда қора доғлар ҳосил қилади. Бу доғлар ҳусни бузиб, узоқ вақт 2-3 ой сақланиб туради.

Тоғтурбиднинг жароҳатини диагноз қўйишда медицина ходимларини ҳам иккилантириб қўяди. Тоғли районлардаги баъзи шифокорларнинг жароҳатнинг моҳиятига тушунмасдан беморга «бу терининг шамоллаши», — деб диагноз қўйгани фикримизнинг далилидир. Тоғтурбид заҳарли бўлганлиги туфайли ҳайвонлар ҳам истеъмол қилмайди. Бирор ўт билан аралашган ҳолда еб қўйган мол дарҳол заҳарланади. Тоғтурбид эфир мойининг яна бир хусусияти шундаки, у ўсимликдан ажралган пайтда учқун яқинлаштирилса, кўкимтир рангли аланга ҳосил қилиб ёна бошлайди.

Биз ботаниклар пионер лагерларига, туристик походларга ва дала практикаларига саёҳатга чиқишдан олдин бориладиган районда учрайдиган заҳарли ўсимликлар ҳақида тўлиқ маълумот олишни тавсия этамиз. Бунинг учун Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг ботаника институтига, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг биология - тупроқшунослик факультетига ва бошқа олий ўқув юртларига мурожаат қилиш мумкин.

У. ПРАТОВ,
биология фанлари кандидати.

РАССОМ ТАБАССУМИ



— Қўшни, тинчликми?!
— Ҳа, ўғлим армиядан ўртоқлари билан отпускага келишган..



ГИЙБАТЧИ: Хадичабону, куёвингиз қалитдан уйингизга бир қизни бошлаб кириб кетдия..

ХАДИЧАБОНУ: Раҳмат! Ўша қиз қайнсингилим бўлади!



Сўзсиз сурат.



РЕЖИССЁР:— сигаретангизни ташланг, у даврда сигарет бўлмаган!

АРТИСТ:— у вақтда кино бўлганми бўлмаса..



— Ўғлим менга ўхшаб артист бўладиганга ўхшайди! Елғиз ўзини қолдирдингизми бас, мураббо билан юз-кўзини /грим қилгани-қилган..

ХАНДАЛАР

АИБИМ НИМА?

Ота ўғлини уйғотиб деди:

— Тур, қўёш чиқиб кетибди-ю, ҳанузгача ухлаяпсанми.

— Қўёш ухламагач, менда нима айб?—жавоб берди бола.

ВАСИЯТ

Бир очкўз ўлими олдидан қуйидагиларни васият қилиб қолдирган экан:

— Йўқотган икки хўкизим бор, агар топилса ўғлимга беринглар, топилмаса хизматчимга.

ЗИЁРАТ ҚИЛМОҚЧИ ЭДИМ

Муштлашиш давомида рақиб рақибига:

— Бир мушт тушираман, маккага бориб тушасан, — дебди.

— Мен ҳам ўша зиёратгоҳга бориб келишни орзу қилар эдим,— жавоб қилибди рақиби.

ЕТТИНЧИ БАД-БАХТГА

Бир аёлнинг олтинчи эри қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Шунда аёл йиғлаб, эрига ёлворди:

— Сен мени кимга ташлаб кетасан?

— Ҳа, менга қолса тийинни-тийинига тўғри келтирардим-а!

БАЛАНС

Ревизор:

— Қалай ишлар, балансми? Тийин-тийинига тўғри келадими?

Бухгалтер:

— Ҳа, менга қолса тийинни-тийинига тўғри келтирардим-а!

ҚАЕРГА ҚЎЙГАН ЭДИНГ?

Студент йигит отасидан пул сўраб хат ёзибди.

Отаси:

— Ўғлим, ўша қолдириб кетган пулингни қаерга яшириб кетган эдинг, биз онанг билан изладик, топа олмадик,— деб жавоб ёзиб юборган экан.

ТИШ ДОКТОРИ ҲУЗУРИДА

Бемор:

— Бир тишни олиб ташлаш учун уч сўм сўрайсиз-а, доктор.

Мен бўлсам уч сўм учун кун бўйи ишлайман.

Доктор:

— Ҳа, мен бўлсам бир тишингизни кун бўйи суғуриб овора бўламан. («Чаён»дан).



«БОКСЧИЛАР». Е. Сальников фотоси.

Бу каби ахборотни эшитган Кўқон бойлари Советлар яқинда йиқилади деб ишонардилар. «Муҳторият» ҳукуматини батамом эгаллаб олишга тайёрланарди... Сиёсат билан асло шуғулланмаган кишилар ўртасида бу ахборот парокандалик туғдирарди. Булардан баъзилари «Буларнинг ҳаммаси капитал агентлари тарқатаётган ёлғон-пуч гаплар» деб жар солса, иккинчилар бу ахборотларга жиддий муносабатда бўлиб, ўзларини ва бошқаларни бўлажак катта воқеаларга тайёр бўлишга ундардилар. Учинчилар эса умидсизликка тушардилар.

Февраль жуда совуқ келди, чўлдан изғирин шамол ура бошлади. Кўқонда ва Фарғонанинг бошқа шаҳарларида нон, гўшт ва ёқилғи танқислиги сезилиб қолди. Қишлоқ аҳолиси бозордан юз ўгира бошлади. Николай ва Керенский қоғоз пулларининг қиймати бутунлайин йўқолди.

4

Зайченко казармага кирди. Сашка Лихолетов қизил мовутдан шим бичяпти. Икки йигит қарта ўйини билан банд. Бир неча киши сариқ эски пайтаваларини каравотларга осиб қўйиб, уйқуни уряпти. Кимдир газета ўқимоқда. Казармада тер, ахлат, кир қўйлак-иштон, махорка; этикларнинг ҳиди аниқийди. Печкада похол чирсиллаб ёняпти. Ўн икки ёшлик Федотка занглаб кетган сафар қозони олдида австрия ханжари билан пиёз тўғрияпти.

— Навбатчи, бу ёққа! — деб буюрди Зайченко.

Ўйнаб ўтирганлар ҳангманг бўлиб қартани қўйиб каравотлардан туришди. Лихолетов комендантга бехуш қараб қўйди.

— Навбатчи қаерда? — сўради Зайченко.

Солдатлар «гиқ» этмасди.

Комендант честь берди ва оёқ учида бурилиб, оҳиста деди:

— Милтиқлар ва пулемётлар текшириб чиқилсин! Жанговар тревогага тайёрланилсин. Эртадан машғулот бошлаймиз. Вольно!

— Вольно! — Лихолетов командани такрорлади.

Комендант қошларини чимириб бошини қуйи солганича солдатлар сафи олдидан юриб ташқарига чиқди. У чиқиши билан эшик ғижирлаб ёпилди-ю, одамлар говур кўтарди. Федотка ханжарни яна қўлига олди.

У бундан уч кун илгари бир тирикчилигим ўтармикин деган ниятда бу ерга келиб қолди. Герман урушидаёқ отадан ажралди. Онасини Семеречье казаклари чопиб ташлашди.

Федотка Тошкентдан нотаниш бир бола билан Кўқонга келди-ю, ҳамроҳини темир йўлда йўқотиб қўйди. Ўн солдатлар шаҳар бозорида ўлакса ҳолда топиб олишди. Уч кунда боланинг рангига қон кириб қолди. Фақат атрофи кўкариб, ичига кириб кетган кўзларидангина бошидан очарчилик кулфатини кечирганлиги сезилиб турарди. Эндиликда Федотка, казармадан ҳайдаб юбормасмикинлар, деб жуда кўп ташвишга тушарди.

Солдатлар жанжал кўтаришди... Комендант эски, чоризм давридаги тартиб-қоидаларни қўлламоқда! Йўқламалар ўтказиб ва саф торттириб яна азоб беришга йўл қўймаймиз! — Солдатлар мояна ва паён тўғрисида қичқириб гапиришарди. Лихолетов бичилган матони ўради-да, этигини кийиб, ҳарбий анжом омборига йўл олди. У қуролларни ўз кўзи билан кўриб чиқмоқчи бўлди. Ўртоқлари билан санманга бориб ўтиришни истамади. Бир нечта пулемёт омонатгина ўтириб олган солдат Степних юз берган аҳволни Аввакумов билан муҳокама қилмоқда.

— Денис Макарович,— дерди у Аввакумовга,— сен буйруқ берсанг бўлди, мен шу заҳотиёқ комендантимизнинг калласини шартта узаман-ташлайман!

— Нега?

— Бутун ҳокимият ўзимизнинг қўлимизда бўлсин учун.

— Йўқ, Илья, бундай қилиш ярамайди, аксинча шундай қилиш керакки, ҳамма бизнинг орамизда тинч-тотувлик, хотиржамлик ҳукмрон деб билсин. Майдонларда, уйларда, жойларда нималар содир бўлаётганига бир назар ташлагин! Ҳаммаёқ қайнаб-тошяпти, омил кишилар ўзини ҳар томонга урмоқда. Ҳозир бир қичқириқ эшитилса бас... Йўқ, комендантга асло тегиб бўлмайди! Ўрталарингда озгина бўлсаям аҳиллик-бирдамлик бор деб бўладими ахир? Сизларга ишонса бўлармикин?

— Сашка Лихолетов менинг фикримга қўшилди. Яна бошқа қўшиладиганлар топилади.— деди қовоғини солиб солдат.

— Сашка!— кулди Денис Макарович,— сен ва Сашка — бор йўғи бир жуфтгина! Зайченкодан шубҳаланаётганингни унинг ўзига билдира кўрма. Агар билдириб қўйгудек бўлсанг, унинг эмас, сенларнинг калаларингни оламан! Қалъада келишмовчилик йўқлиги сабабли Кўқондаги жанобларнинг бир оз ҳайиқиб туришипти, бир озгина, хўлос! Сен домлаларнинг нима деб аюҳаннос солаётганига бир қулоқ солиб кўр! Улар халқни, ҳунарманд ўзбекларни нақадар зўр бериб қайрашяпти! Шуни тушуниб олгинки, ана шу авом кишиларнинг ҳаммаси ҳали бизни большевик деб билишмайди, улар ҳали большевикнинг ўзи кимлигини ҳам билишмайди, уларнинг кўзида ҳар бир рус эксплуататор, ёт, бегоначи. Бутун гап ана шунда!

Новча, бақувват ва қотмадан келган Аввакумов кўзи чақнаб кабинетнинг у бошидан, бу бошига югурарди. Ғиштли уй бўм-бўш. Советдаги барча хизматчилар аллақачон иш кунини тугаллаб кетишган. Степних ўрнидан туриб шинелини тўғрилади, ифлос паркет полга ўйчан назар ташлади-да, Аввакумовга қўл узатди.

— Демак, бораверайми, Денис Макарович?

— Боравер, боравер!—деди тез жавоб қилиб Аввакумов.

— Ҳеч қандай буйруқ-сиз-а?

Ҳеч қандай! Буйруқ битта! Эҳтиёт бўлиб, кузатиб турмоқ керак!

Солдат йўталди, туркманча катта папоқни кийди-да, чарм солинган тугунча олди.

— Кечқурун уйга кирайми?

— Нега?

— Қоровуллик қилишга-да. Ҳар ҳолда зерикиб қолмайсан,— деди Степних тугунчани силкитиб.

— Билмадим, Илья! Яхшиси келмай қўя қол!

— Келаман...— деди солдат Аввакумовнинг илма-тешик ботинкасига қараб,— ботинкангни ямаб ҳам бераман.

Степних ташқарига чиқди. Якка ўзи қолган Аввакумов кўчада нима юз бераётганини кўрмоқчи бўлиб дераза олдига келди. Муздек ёмғир майдалаб ёғяпти. Дераза олдидаги чинорнинг қип-яланғоч шохлари тебраняпти. Йўлкадаги кўлмакларда февраль ойининг тиниқ осмони акс этади. Салла ўраган, пахтали тўн кийган қандайдир кишилар кўчанинг ўртасида қўлобларни шалоплатиб юришибди. Улар Совет ёнидан ўтаётиб қоронғи деразаларга шубҳали назар ташлашарди.

Телефон жиринглади. Аввакумов трубкани олди.

— Алло? — қичқирди ташвишланиб. Хооо, сизми, ойи! Уй тинчми? Бирор нарсани эрмак қилиб ўтиринг, шунда ингини ҳам бас қиласиз! Безори? Йўқ, ҳеч қанақа безори кўринмайди... Йўқ... Бу ерда тинчлик,— деди бепарво оҳангда Аввакумов, жўрттага шўх-шўх товуш чиқариб ва Кўқон уездининг деворда осилиб турган эски, рангдор картасини кўриб, ҳатто кулиб юборди ҳам.— Ахир бу ерда мен бир ўзим эмасман-ку! Хавотир олма, она! Бизнинг территориямизда совет кишилари кўпдан-кўп. Рост айтяпман! Ана ҳолос, ёлғон гапиришдан нима фойда менга! Ростини айтяпман, ойи, ростини! Ойи, уйдан кетинг! Ганишларникига бора қолинг-да! Эҳтимол, мен уйда эмас тунамасман... Ҳа, тунаманман! Ҳа, тунамайман! Ҳа, вақтни ўтказмай, жўнай қолинг. Хўп, хўп, кичкина оламанми, йўқолиб! Боринг, мен ҳам хотиржам бўламан... Раҳмат, сиз ҳам омон бўлинг.

(ДАВОМИ БОР)

Редактор

С. М. КАРОМАТОВ.



Лихолетов мовутни қоқиб, ҳушёмасликка билан жавоб берди.

— Илья Иванович ўз ишлари билан кетувдилар.

— Илья Иванович деганинг ўзи ким?

— Степних.

Лихолетов кулиб юборди, бу коменданнинг ғазабини ошириб, тутақтириб юборди.

— Қанақа иш билан? Қоровуллик хизматини шунақа қилиб бажарадими киши? Наҳотки, бу шаҳарда буржуазиянинг ўз ҳукумати мавжудлигини унутган бўлсангиз? Бу аҳволда ҳаммамизни қийма-қийма қилиб ташлашлари ҳеч гап эмас, ахир.

— Дарвоза олдида соқчи бор,— деди хотиржам оҳангда Лихолетов.

— Дарвоза олдида? Шартта жавоб берадиган бўлиб қолибсиз-да! Дарвоза олдида эмиш... Қалъа-чи— ҳамма ёғи очиқ-ку! Хоҳлаган кимса дайдиб юрибди қалъада! Гарнизон ҳам шунақа бўладими!

— Ит эгасига ўхшамаса бўладими...— тўнғиллади Сашка, қўлида қайчини ишқирлатиб,— зарурат туғилганда сиздан сўраб ўтирмаймиз... Нима қилишни ўзимиз ҳам биламиз.

Комендант титраб кетди, жазаваси тутуб бақирди.

«Ўзимизнинг нимаси? Смирно! Товушингни ўчир, взвод командири! Ҳамманг талтайиб кетибсан-да! Шу ҳам ҳарбий хизматни бажариш бўлдими? Ҳамма смирно турсин!

Ухлаб ётганлар уйғонди.

— Саф тортилсин!— деди Лихолетов қайчини ит қўтиб.

Ҳамма сафга турди. Федотка лип этиб ёнга ўтди-да, қозон орқасига яширинди.

— Анави нусха қаердан пайдо бўлиб қолди?— деди Федотни кўрсатиб Зайченко.

— Дайди,— дейишди сафдагилар.

Зайченко хўрсинди. Қалъа ротасининг солдатлари турли маромда туришарди. Баъзиларнинг оёғида этик, баъзи бирлари ялангоёқ, камарсиз, камзулларининг тугмалари ечиқ. Комендант уларни формасиз турганлари учун роса боплаб сўкмоқчи бўлди-ю, ўзи ҳам қуролсиз чиққанини сезо, жим бўла қолди. Зайченконинг елкасида шинель ўрнига ўзбекча тўн. У қизариб кетди ва ротага жавоб бермоқчи бўлган ҳам эди, бирдан ўртага лайлақ ўйи Лихолетов чиқди, йўталди-да, қўлини чеккасига кўтариб рапорт берди:

— Қалъа комендантига шуни хабар қиламанки, ишчилар ва солдатлар депутатлари Кўқон Совети гарнизонида бутунлай хотиржамлик. Касал йўқ. Маҳбус ҳам йўқ. Гарнизондаги ўн уч киши шу ерда ҳозир.

(ДАВОМИ. Боши газетанинг №178 сонида).

Комендант честь берди ва оёқ учида бурилиб, оҳиста деди:

— Милтиқлар ва пулемётлар текшириб чиқилсин! Жанговар тревогага тайёрланилсин. Эртадан машғулот бошлаймиз. Вольно!

— Вольно! — Лихолетов командани такрорлади.

Комендант қошларини чимириб бошини қуйи солганича солдатлар сафи олдидан юриб ташқарига чиқди. У чиқиши билан эшик ғижирлаб ёпилди-ю, одамлар говур кўтарди. Федотка ханжарни яна қўлига олди.

У бундан уч кун илгари бир тирикчилигим ўтармикин деган ниятда бу ерга келиб қолди. Герман урушидаёқ отадан ажралди. Онасини Семеречье казаклари чопиб ташлашди.

Федотка Тошкентдан нотаниш бир бола билан Кўқонга келди-ю, ҳамроҳини темир йўлда йўқотиб қўйди. Ўн солдатлар шаҳар бозорида ўлакса ҳолда топиб олишди. Уч кунда боланинг рангига қон кириб қолди. Фақат атрофи кўкариб, ичига кириб кетган кўзларидангина бошидан очарчилик кулфатини кечирганлиги сезилиб турарди. Эндиликда Федотка, казармадан ҳайдаб юбормасмикинлар, деб жуда кўп ташвишга тушарди.

Солдатлар жанжал кўтаришди... Комендант эски, чоризм давридаги тартиб-қоидаларни қўлламоқда! Йўқламалар ўтказиб ва саф торттириб яна азоб беришга йўл қўймаймиз! — Солдатлар мояна ва паён тўғрисида қичқириб гапиришарди. Лихолетов бичилган матони ўради-да, этигини кийиб, ҳарбий анжом омборига йўл олди. У қуролларни ўз кўзи билан кўриб чиқмоқчи бўлди. Ўртоқлари билан санманга бориб ўтиришни истамади. Бир нечта пулемёт омонатгина ўтириб олган солдат Степних юз берган аҳволни Аввакумов билан муҳокама қилмоқда.

— Денис Макарович,— дерди у Аввакумовга,— сен буйруқ берсанг бўлди, мен шу заҳотиёқ комендантимизнинг калласини шартта узаман-ташлайман!

— Нега?

— Бутун ҳокимият ўзимизнинг қўлимизда бўлсин учун.

— Йўқ, Илья, бундай қилиш ярамайди, аксинча шундай қилиш керакки, ҳамма бизнинг орамизда тинч-тотувлик, хотиржамлик ҳукмрон деб билсин. Майдонларда, уйларда, жойларда нималар содир бўлаётганига бир назар ташлагин! Ҳаммаёқ қайнаб-тошяпти, омил кишилар ўзини ҳар томонга урмоқда. Ҳозир бир қичқириқ эшитилса бас... Йўқ, комендантга асло тегиб бўлмайди! Ўрталарингда озгина бўлсаям аҳиллик-бирдамлик бор деб бўладими ахир? Сизларга ишонса бўлармикин?

— Сашка Лихолетов менинг фикримга қўшилди. Яна бошқа қўшиладиганлар топилади.— деди қовоғини солиб солдат.

— Сашка!— кулди Денис Макарович,— сен ва Сашка — бор йўғи бир жуфтгина! Зайченкодан шубҳаланаётганингни унинг ўзига билдира кўрма. Агар билдириб қўйгудек бўлсанг, унинг эмас, сенларнинг калаларингни оламан! Қалъада келишмовчилик йўқлиги сабабли Кўқондаги жанобларнинг бир оз ҳайиқиб туришипти, бир озгина, хўлос! Сен домлаларнинг нима деб аюҳаннос солаётганига бир қулоқ солиб кўр! Улар халқни, ҳунарманд ўзбекларни нақадар зўр бериб қайрашяпти! Шуни тушуниб олгинки, ана шу авом кишиларнинг ҳаммаси ҳали бизни большевик деб билишмайди, улар ҳали большевикнинг ўзи кимлигини ҳам билишмайди, уларнинг кўзида ҳар бир рус эксплуататор, ёт, бегоначи. Бутун гап ана шунда!

Новча, бақувват ва қотмадан келган Аввакумов кўзи чақнаб кабинетнинг у бошидан, бу бошига югурарди. Ғиштли уй бўм-бўш. Советдаги барча хизматчилар аллақачон иш кунини тугаллаб кетишган. Степних ўрнидан туриб шинелини тўғрилади, ифлос паркет полга ўйчан назар ташлади-да, Аввакумовга қўл узатди.

— Демак, бораверайми, Денис Макарович?

— Боравер, боравер!—деди тез жавоб қилиб Аввакумов.

— Ҳеч қандай буйруқ-сиз-а?

Ҳеч қандай! Буйруқ битта! Эҳтиёт бўлиб, кузатиб турмоқ керак!

Солдат йўталди, туркманча катта папоқни кийди-да, чарм солинган тугунча олди.

— Кечқурун уйга кирайми?

— Нега?

— Қоровуллик қилишга-да. Ҳар ҳолда зерикиб қолмайсан,— деди Степних тугунчани силкитиб.

— Билмадим, Илья! Яхшиси келмай қўя қол!

— Келаман...— деди солдат Аввакумовнинг илма-тешик ботинкасига қараб,— ботинкангни ямаб ҳам бераман.

Степних ташқарига чиқди. Якка ўзи қолган Аввакумов кўчада нима юз бераётганини кўрмоқчи бўлиб дераза олдига келди. Муздек ёмғир майдалаб ёғяпти. Дераза олдидаги чинорнинг қип-яланғоч шохлари тебраняпти. Йўлкадаги кўлмакларда февраль ойининг тиниқ осмони акс этади. Салла ўраган, пахтали тўн кийган қандайдир кишилар кўчанинг ўртасида қўлобларни шалоплатиб юришибди. Улар Совет ёнидан ўтаётиб қоронғи деразаларга шубҳали назар ташлашарди.

Телефон жиринглади. Аввакумов трубкани олди.

— Алло? — қичқирди ташвишланиб. Хооо, сизми, ойи! Уй тинчми? Бирор нарсани эрмак қилиб ўтиринг, шунда ингини ҳам бас қиласиз! Безори? Йўқ, ҳеч қанақа безори кўринмайди... Йўқ... Бу ерда тинчлик,— деди бепарво оҳангда Аввакумов, жўрттага шўх-шўх товуш чиқариб ва Кўқон уездининг деворда осилиб турган эски, рангдор картасини кўриб, ҳатто кулиб юборди ҳам.— Ахир бу ерда мен бир ўзим эмасман-ку! Хавотир олма, она! Бизнинг территориямизда совет кишилари кўпдан-кўп. Рост айтяпман! Ана ҳолос, ёлғон гапиришдан нима фойда менга! Ростини айтяпман, ойи, ростини! Ойи, уйдан кетинг! Ганишларникига бора қолинг-да! Эҳтимол, мен уйда эмас тунамасман... Ҳа, тунаманман! Ҳа, тунамайман! Ҳа, вақтни ўтказмай, жўнай қолинг. Хўп, хўп, кичкина оламанми, йўқолиб! Боринг, мен ҳам хотиржам бўламан... Раҳмат, сиз ҳам омон бўлинг.

(ДАВОМИ БОР)

Редактор

С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

Радио

2 август

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Симфоник рақслар. 18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча). 19.20 Ўзбек Давлат филармонияси солистларининг концерти. 20.00 «Ленинном» программаси (ўзбекча). 20.30 Ватан ҳақида қўшиқлар. 21.00 «Кардош социалистик мамлакатларда» (ўзбекча). 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.20 Эш ижрочилар концерти. 23.10 «Шанба оқшомида» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча). 19.30 Ўзбекистон ёзувчиларининг ҳикоялари (русча). 20.00 Пахта далалари меҳнаткашлари учун концерт (тожикча). 20.30 Озарбайжон куйлари. 21.00 «Оқшом тароналари» деган эстрада концерти. 21.40 «Темирйўлчилар куни олдидан». Суҳбат ва концерт (татарча).

Телевизор

2 август

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.50 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади: «Истиқбол эгалари» Телевизион журнали. 18.50 Телевизион янгиликлар. 19.05 «Гулдаста» концерт. 19.50 Кўрсатувлар программаси ва реклама.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Киев оперетта театри артистларининг концерти. 22.00 Рангли телевидение программаси. Н. Леонов. «Менинг қўнғироқ қилишимни кутинг». Телеспектакль биринчи ва иккинчи қисмларининг премьераси. 00.30 Социализм дунёси. 01.00 Эстрада концерти. 01.45 «Физкультура ва спорт». Тележурнал. 02.15 Янгиликлар, кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

20.00 «Спорт ҳафта ичида» (рус тилида).

Ўзбек тилида: 20.00 Реклама. 20.30 «Фавқулодда ҳодиса». Ҳужжатли фильм. 20.50 «Дўстлик чаманзори». Доғистон рақслари. 21.30 «Соҳилга руҳсат». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Экран — болаларга. 19.00 Янгиликлар. 19.15 Дўстлар билан учрашув.

Тожик тилида: 19.35 «Оқариб кўринар бир елкан». Бадиий фильм. 21.00 Қизлар кенгаши. 21.15 Шашмақом. 21.50 Янгиликлар. 22.05 Қувноқ соатда.

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2 [VIII] да Ажаб савдолар, 3[VIII] да Катта концерт, 4[VIII] да Кимга тўй, кимга аза.

Кино

2 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

Сокин кварталдаги қотиллик — «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кечқурун).

Бомбай тун оғушида (кечқурун)— САНЪАТ САРОЙИ.

Қор аёл ҳақида афсона — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кечқурун).

Шошилинч никоҳ — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кечқурун).

Сангам (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 4.20 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади).

Дзюдо даҳоси — ТЕЛЬМАН номли.

Сокин кварталдаги қотиллик — «ФЕСТИВАЛЬ».

Икки ўринли қафас — «ХИВА».

3 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

Юлдузсиз сельва — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Сокин кварталдаги қотиллик — «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Қор аёл ҳақида афсона — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Разведчиклар (эрталаб соат 9.45 минутда), Бомбай тун оғушида (кундуз ва кечқурун) — САНЪАТ САРОЙИ.

Доктор Абст тажрибаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11.45, кундуз 1.30, 3.15 минут ва 5 да).

Шошилинч никоҳ — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Сангам (ўзбек тилида)— НАВОИЙ номли (кундуз соат 4.20 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади).

Дзюдо даҳоси — ТЕЛЬМАН номли.

Сокин кварталдаги қотиллик — «ФЕСТИВАЛЬ».

Икки ўринли қафас — «ХЕВА».

ТОШКЕНТ ШАҲАР 9-ПРОФТЕХНИКА ПОЛИГРАФЧИЛАР БИЛИМ ЮРТИ

1969-70 ўқув йилига ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти линотипчилар, ҳарф терувчилар, печатниклар, муқовачилар таёрлайди.

8 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15-16 ёшли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 3 йил бўлиб, билим юртини тугатганликлари тўғрисида ҳамда ўрта маълумот тўғрисида (10-синф) аттестат оладилар.

Билим юртида ўқиш вақти узлуксиз иш стажига қўшилади.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.


Ўқувчилар бепул иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Нурхон кўчаси, 21-уй (7, 9-троллейбуслар, 3, 6, 14, 23, 24, 27, 54-автобусларнинг «Волгоградская» бекати).

Харидорлар диққатига!

Янги очилган саноат моллари ярмаркасида (Чилонзор массиви, Фарҳод кўчаси)



«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»ГА ҚАРАШЛИ МАГАЗИНЛАР

кенг ассортиментда эркаклар ва аёлларнинг

ТАЙЁР КИЙИМЛАРИ,

шунингдек ип-газламалар, замонавий гуллар туширилган турли рангдаги ипак ва штапел газламалар билан

САВДО ҚИЛМОҚДА





САНОАТ МОЛЛАРИ ЯРМАРКАСИДАГИ 35 ВА 38- МАГАЗИНИМИЗГА МАРҲАМАТ!

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 2 АВГУСТ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари, Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти нинг босмахонаси Тошкент шахри

Индекс 64579. НАШР 2814. Р. 04552